O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — adolatda

# Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ☼ 2001 yil 13 iyul ☼ juma ☼ № 26 (313) ☼ sotuvda erkin narxda

**● Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик, тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқарадиган мураккаб ишдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ОЛДИДАН

## ВАТАН—СЕН БУЮКСАН

***Бир дўстим билан мафкура масаласида баҳслашиб қолдик. «Менимча,— биз ўзимизни ўзимиз керагидан ортиқ мақтаб юбормаяпмизми?— дея киноя қилди.***

***Дўстимнинг қизиққонлигини инобатга олиб, сўзимни унинг маълум даражада ҳақлигидан бошладим. Лекин бир «аммо»си бор. Биласанми, узоқ йиллар давомида ўз миллатимиз, унинг шарафи, унинг буюклиги у ёқда турсин, ўз тарихимизни ҳам ботинироқ ўрганишга ҳайиқдик. Натижада «катта оға»лар бизга маданият олиб кирган, жумладан, улардан костюм-шим кийишни, галстук тақишни ўргандик», деб чиппа-чин ишониб ҳам қолдик.***

Мен 1986 йили «Артек» кашшофлар оромгоҳида дам олганимда европалик тенгдошларим билан тортишиб қолдим. Улар «сизлар босмачи эдингиз, биз сизга ўқиш, ёзишни ўргатдик», дейишиб жиғимга тегишарди. Шунда мен бошқа бир «аргументим» билан боплаб адабларини бергандим. «Тўғри, — дедим мен, — сизларнинг бобокалонларингиз бизга кўп қаватли домларда ҳеч бир ташвишсиз яшашни ўргатишган. Аммо улар менинг бобокалонларимга яна тўйиб ичиб, йўлакларда булғаниб ётишни ҳам ўргатдилар».

Аслида мен миллатчи эмасман, умуман биз ўзбекларга миллатчилик анчайин ёт нарса. Масалан, мен рус тилини биламан, уларнинг маданиятини ҳурмат қиламан. Аммо мен ўзимни қолоқ бир миллат вакили дейилиб камситилишимга жон чиққунча қаршилик қиламан.

Хўп, сен бошқалар бизни мақтасин, дединг. Чингиз Айтматовни билмаган адабиёт мухлиси ер юзида деярли топилмаса керак. Мана шу ёзувчи нима дейди: **«Қадим Византия Европада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган».** Бу гапни у мустақилликка эришганимиздан сўнг ёки республикамизда бўлганида шунчаки кўнгилимиз учун эмас, эътибор бер, узоқ 1964 йили «Правда» мухбирининг саволларига берган жавобларида эътироф этган.

Ёки бўлмаса, ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг сўзларига қулоқ сол, дўстим: **«Маданиятингиз илдизлари чуқур, сиз довруқли ўтмиш маданиятингиз ва маънавиятингиз асосида дунё илм-фанидан баҳраманд бўлган ҳолда йўлингизни белгилаб тараққиётга интилмоқдасиз. Бу эса ўз навбатида келажагингиз порлоқ ва буюклигидан далолатдир. Мен ўзбек деганда ўзига, ўз эркига ўзи бек деганини тушунаман. Ўзбек — ўзига ўзи устоз, ўзгаларга қарам эмас, озод ва мустақил деган маъноларни ҳам англатади».**

Қани айт-чи, бошқалар «Сизларнинг келажагингиз буюк» деб турганда, биз қўлимизни кўксимизга қўйиб «Йўқ, маъзур тутасиз, биз келажакда ўртамиёна бўлишга ҳам розимиз, дейишимиз керакми?!

Барибир ўз билганингдан қолмайсан. «Техникада улар биздан ҳар ҳолда кучли-да» дейсан. Эҳ, дўстим, сен билмайсанки, самога биринчи бўлиб парвоз қилган инсон Беруний ва Фаробийларнинг замондоши, миллатдошимиз Исмоил ал Жавҳарий бўлади. Буни ҳам бизнинг олимлар эмас, туркиялик профессор Усмон Турон «Туркий халқлар мафкураси» китобида шундай келтиради: **«Физика билан шуғулланган Жавҳарий ўзи ясаган қанотлар билан учишни машқ қилаётиб, йиқилади ва шу жароҳати таъсирида вафот этади».**

Баҳсимизни ўз фойдангга оғдириш учун суҳбатни нозик масалага — дину диёнатга бурдинг. **«Айрим ҳажга борган юртдошларимиз ибодат билан эмас, тижорат билан шуғулланиб, бизни иснодга қўйишмоқда. Бу бизнинг ким эканлигимиздан далолат эмасми?!»** деб ғолибона боқдинг менга.

Йўқ, улар асло халқимизнинг асл қиёфасини белгиловчи намояндалар бўлолмайдилар. Беш қўл баробар эмас, албатта. Ўша мен айтган ножўя қилиқларни кўриб-билиб турган арабистонлик миллатдошларимиз Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқароларга юборишган бир мактубдан парча келтирай:

**«Аҳли босийрат ўзбеклар, айниқса ғурбат диёрларда, ватансиз ва эгасиз эзилганлар Ислом Каримовни жуда ҳам олий миллий шуурга соҳиб деб биладилар. Улуғ Тангрига шукрки, вақт ва замон ижобига кўра ҳақиқатлар зоҳир бўлмоқда.**

**Ислом Каримовнинг амаллари, ҳар бир қадамлари алоҳида-алоҳида Ватан ободлиги ва миллат тинчлиги учун улуғ хизмат бўлиб, нурафшон сўзларининг ҳар нуқта-нуқтаси мухлис ва вафоликдир, миллатига ифтихор ва гавҳардир. Албатта, шундай улуғ раҳбаримиз борлиги билан кувонамиз ва фахрланамиз...**

**Муҳтарам раҳбаримиз Ислом Каримов ўзбек миллатига оталигини билдирди ва собит қилди... Худога шукрки, ўзбек миллатига ота топилди, эга топилди ва бошлиқ топилди».**

Буни шу мамлакат, шу юртбошимиз яратиб берган имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланаётганлар эмас, балки ютуқ ва камчиликларимизни дўст-душман матбуотдан кўриб, ўқиб турганлар ёзишмоқда.

Агар шунда ҳам ўз миллатингга тарафкаш бўла олмас экансан, мени кечир, сени Тангри таоло урибди — сен сўқир экансан!

Ушбу мақолотимни қадим қавмдошларим каби бир тўртлик билан якунламоқчиман:

**Қўл силтайман — итлар бўлак, ўтар карвон ўзгадир,**
**Ватан, сени мақтасак-да, мақтамасак буюксан!**
**Тиз чўкканча тупроқларинг олиб суртай кўзга мен,**
**Азалдурсан, ўшалдурсан, гўзалдурсан, суюксан.**

**Алишер ТОШҚУЛОВ.**





Истиқлол нури ила диллар чарағон...

*Партия ҳаёти*

## ТАШАББУС КЎРСАТИБ

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Самарқанд вилоят Кенгаши ҳам бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Вилоятда «Адолат» социал-демократик партиясининг сафлари кенгайиб, бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги янада ошди. Жойларда кўплаб бошланғич партия ташкилотлари тузилаяпти.***

Барча тадбирларимиз Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни талабларига тўла мос келган ҳолда ва партиямизнинг Низомига қаттиқ риоя қилинган тарзда ўтказилмоқда. Аммо ҳали партия сафларини кенгайтириш ва бошланғич партия ташкилотларининг сонини ошириш юзасидан кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Шу мақсадда вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларида бошланғич партия ташкилотлари ва шаҳар, туман Кенгашлари қизғин иш олиб бормоқдалар. 2000 дан ошиқ партия аъзолари сафига вилоятимиздаги турли касб эгалари аъзо бўлиб қўшилишаяпти.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишга, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга салмоқли ҳисса қўшишдан иборат. Шунингдек, аҳоли ўртасида «Адолат» СДПнинг мақсади ва вазифаларини тушунтириш бўйича қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Шу мақсадда қишлоқларда ва маҳаллаларда, корхоналарда тез-тез учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда.

Вилоят партия Кенгашимизнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири Дастурий ғояларимизни тарғиб қилиш билан бирга мустақиллигимизнинг моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришдан, кишилар онгига давлатимизнинг эртанги келажаги — буюк давлат бўлишлигини сингдиришдан иборатдир.

Иккинчидан, сафларимизга она юртимизга садоқат билан хизмат қиладиган кишиларни тарбиялаш ва ўзбек халқининг миллий анъаналарига таянган ҳолда миллий қадриятларни тиклаш, бой маданий меросимизни ўрганиш билан бирга ёш авлодни миллий мафкура асосида тарбиялашдек долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг энг ночор қатламлари-кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оналар, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси вилоят партия Кенгашимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Вилоят партия Кенгашимизнинг ташаббуси билан шаҳарнинг 2 та Меҳрибонлик уйига хайрия ёрдами кўрсатилди, болалар билан учрашув ўтказилди. Жомбой тумани мактабларининг намунали ўқувчиларига пул мукофотлари берилди. Тойлоқ тумани партия Кенгашининг бевосита ташаббуси асосида мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказилиб, ёшларга мустақиллигимизнинг аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш берилди.

Вилоят партия Кенгашининг ташаббуси билан тадбиркорларни жалб қилиб, шаҳар маҳаллаларида учрашувлар ўтказилди, ободонлаштириш ва янги иш жойларини ташкил қилишда уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллик энг улуғ, энг азиз ва мўътабар байрам. Биз мустақиллигимизнинг 10 йиллигини меҳнатда ва ҳаётда улкан ютуқлар билан кутиб оламиз, албатта.

**Ҳайдар ИСЛОМОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши иккинчи котиби, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси.**

## ҲОКИМ ҲАДЯСИ

***Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Хотира хиёбони бунёд этилмоқда. У халқимизнинг азалий удуми – ҳашар усулида қурилаяпти. Ҳозиргача ана шу зиёратгоҳ қурилишига юзлаб савобталаблар, вилоятнинг бир қанча корхона, ташкилот муассасалари жамоалари баҳоли қудрат маблағ ўтказдилар.***

Куни кеча вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов Тўрақўрғондаги «Оҳангар» трактор таъмирлаш акциядорлик жамиятидан сотиб олган акциялари учун ўтган йилги натижалар бўйича ҳисобланган 128 минг сўм дивидендни хиёбон қурилишига ўтказди.

– Хиёбон қурилиши бошлангандан буён деярли ҳар куни «Уйжойжамғармабанк»ида ана шу қурилиш бўйича очилган ҳисоб рақамига минг-минглаб сўм маблағ тушиб турибди, – деди Наманган шаҳар ташқи ободонлаштириш корхонаси бошлиғи Абдуллажон Абдураззоқов «Туркистон-пресс» мухбирига, – халқимиз ҳамиша савобли ишлардан ўз саховатини аямаган. Ҳозиргача тўпланган маблағ 15 миллион сўмдан ошиб кетди.

## МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

***Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурхонов номли маҳаллада 3760 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятидан мамнунлар. Негаки маҳаллада мавжуд бўлган ҳар бир кўчага кўча боши тайинланган. Улар ўз ҳудудларидаги ҳар бир оиланинг яшаш шароитидан доим бохабар турадилар.***

– Маҳалла фуқаролар йиғини қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида ташкил этилган, – деди маҳалла раиси Шуҳрат Жўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. Миллий дунёқарашимизга мувофиқ келадиган муассаса. Ахир халқимизда бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она деган нақл беҳуда айтилмаган. Маҳалла аҳли тўю маъракасини ҳам, ташвишу қувончларини ҳам биргаликда баҳам кўради.

Лекин баъзан шундай ҳодисалар ҳам содир бўлади, бирон бир оилада моддий қийинчилик юзага келиб қолиши мумкин. Лекин орият кучлилик қилиб маҳалладан ёрдам сўролмайди. Шукур Бурхонов маҳалласида бундай ҳолатлардан кўча бошилари дарров хабар топишади. Кўпчилик бўлиб оиланинг ҳолидан хабар олишади. Лозим даражада ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилади.

Маҳалла ҳудудида 14 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Уларда 1700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аризалар асосан ана шу аҳолидан тушарди. Негаки бу уйларнинг санитария-техника қурилмалари эскириб кетган. Илгариги уй бошқармалари эса уларни янгилаш имкониятига эга бўлмаган. Шунинг учун бошқарма ширкат тариқасида қайта тузилиб, маҳалла идорасига кўчириб келтирилди. Энди кўп қаватли уйларда турувчилар пайчилар бўлиб, барча тўловларини ширкатга ўтказадилар. Ширкат эса ўз навбатида уйларни таъмирлаш ишларига жавобгардир.

Маҳаллада мавжуд барча муаммолар ана шу тариқа бафуржа-бамаслаҳат ҳал қилиб келинмоқда. Аҳоли эса маҳалла фуқаролар йиғини ўз-ўзини бошқариш органи сифатида халқ ичига чуқур кириб борган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи орган эканлигини тобора яхшироқ англаб етмоқда. Унга ишоняптилар, суянишмоқда.



Дангарада янги коллеж қурилди.

*Назм*

## ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК!

Юртим порлоқ нур сочган, истиқболинг муборак,
Жаҳон саҳнида бардам қад-камолинг муборак,
Тароватли, фусункор хуш жамолинг муборак,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Бу заминда мангудир ўчмас, боқий изларинг,
Шонингни тутгай баланд ўғилларинг, қизларинг,
Мадҳ этарлар бахтингни шоиру ҳофизларинг,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Сени бу кун тан олмиш бу дунё, бутун борлиқ,
Халқинг асло кўрмасин то абад зўрлик, зорлик,
Ҳамқадам бўлсин сенга тинчлик ҳам барқарорлик,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Камол топ, кўрма завол Ватаним-жоним, таним,
Нурли йўлда ҳар қадам дўст топгин, кўрма ғаним.
Бу бахтиёр заминда шоирлик сўзим маним,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Ҳур диёрим, довруғинг дунёга юз тутмоқда,
Сени буюк келажак, шону шуҳрат кутмоқда,
Шаънингга бутун жаҳон тотли таъриф битмоқда,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Ғурурим фахрим дебон юртим сени билармен,
Не бўлса имконимда бил, сен учун қилармен.
Дилда не пок тилагим борки, сенга тилармен,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак!

Оқ дилингдек беғубор бўлсин бошда осмонинг,
Осмондек баланд бўлсин қадринг, шарафинг-шонинг,
Мангу қўлдан кетмасин эрк аталмиш нишонинг,
Обод юртим, ҳур юртим истиқлолинг муборак,
Кучоқ очиб юз тутган бахт-иқболинг муборак!

Ғофир МИРЗАБОЕВ.

## ҲУРЛИК

Истиқлол!
Хуш келдинг, яшнади диёр,
Халқимга озодлик этдинг ихтиёр,
Орзулар гуллади, халқим бахтиёр,
Ҳурликдан азизроқ кунлар топилмас.

Эрксевар бу юртга диллар муштарак,
Юртим истиқлолинг бўлсин муборак!

Ўзбек чироғингда ёришган дунё,
Бардошинг тоғлардан юксакдир илло.
Карвонсан манзили қадим, ибтидо,
Ҳурликдан азизроқ кунлар топилмас.

Эрксевар бу юртга диллар муштарак,
Юртим истиқлолинг бўлсин муборак!

Оламни уйғотган нидолар сенда,
Шоирлар айтмаган нидолар сенда.
Юрт учун жонкуяр фидолар сенда,
Ҳурликдан азизроқ кунлар топилмас.

Эрксевар бу юртга диллар муштарак,
Юртим истиқлолинг бўлсин муборак!

Халқим кўҳна шонинг, заҳматинг ҳаққи,
Илоҳий куч-қувват қудратинг ҳаққи.
Ҳурлиқо кунларинг шуҳратинг ҳаққи,
Ҳурликдан азизроқ кунлар топилмас.

Эрксевар бу юртга диллар муштарак,
Юртим истиқлолинг бўлсин муборак.

Камол РАҲМОН.

## ТЎЙДИР БУГУН

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Тўйдир бу кун, ёр-ёр.
Юртим қаддин ростлаган,
Кундир бу кун, ёр-ёр.

Озодликнинг қиммати
Ўлчанарми нон билан.
Қадр-умр зийнати
Гўзал у имон билан.

Юртим ўзингга қайтган
Довруғ, шонинг муборак!
Дил сўзин эркин айтган
Ғазалхонинг муборак!

Юртим, заминда тургин
Жаннатдан улги бўлиб.
Эшигингни супурсин
Сочим супурги бўлиб.

Хосият ҒОФУРОВА,
Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани.

